

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБУЗАЛОВА МЕҲРИНИСО КАДИРОВНА

**СУБСТАНЦИАЛ МОРФОЛОГИЯ,
ВАЛЕНТЛИК ВА СИНТАКТИК ҚУРИЛМА**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРИ**

Самарқанд – 2018

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора наук (DSc) по филологическим
наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of science (DSc) on philological
science**

Абузалова Мехринисо Кадировна

Субстанциал морфология, валентлик ва синтактик курилма 3

Абузалова Мехринисо Кадировна

Субстанциальная морфология, валентность и синтаксическая структура..... 33

Abuzalova Mehriniso Kadirovna

Substantial morphology, valency and syntactic construction 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 70

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБУЗАЛОВА МЕҲРИНИСО КАДИРОВНА

**СУБСТАНЦИАЛ МОРФОЛОГИЯ,
ВАЛЕНТЛИК ВА СИНТАКТИК ҚУРИЛМА**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Fi55 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сайфуллаева Раъно Рауфовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Санакулов Усмон Санакулович
филология фанлари доктори, профессор

Худойбергана Дурдона Сиддиқовна
филология фанлари доктори

Муродова Нигора Қулиевна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети бош биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Муҳиддинов М.Қ.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Пардаев А.Б.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Салоҳий Д.И.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг бошларида ўрганила бошланган валентлик (лексик валентлик, семантик валентлик, лексик-семантик валентлик, семантик-синтактик валентлик) асосан лексиканинг семантик хусусиятлари ва нутқда бир лексеманинг бошқа лексемалар билан боғлана олиш қобилияти нуқтаи назаридан тадқиқ этиб келинган эди. Аммо тил ҳодисаларига субстанциал ёндашишда лексик валентлик билан бирга грамматик валентлик – грамматик (морфологик) шаклларнинг валентлиги тушунчаси ҳам фарқланади ва бу тилшуносликда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан саналади. Валентлик назариясида тилга субстанциал, яъни маълум бир турдаги имкониятлар мажмуи, яширин потенция сифатида ёндашиш методологияси инъикосини кўриш мумкин. Валентлик назариясининг субстанциал ёндашув билан бундай методологик (генетик-онтологик) яқинлашиши ҳозиргача махсус тадқиқ манбаи бўлган эмас ва бу муаммони тадқиқ қилишни тақозо этади.

Жаҳон лингвистикасида семантик ҳамда синтактик хусусиятлари ўзаро уйғунлашган семантик-синтактик гуруҳлар (ССГ)ни ажратиш, уларнинг синтактик қурилма таркиби ва структурасига таъсири масалаларини ўрганиш тилшунослар эътиборини тортмоқда. Шулар билан бевосита алоқадор грамматик шакл ва сўз шаклини имкониятлар мажмуи сифатида қараш ҳамда мазкур имкониятларнинг синтаксисда воқеланиши масаласини, субстанциал морфологиянинг гап валентлиги билан муносабатини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Сўз туркумлари ичида семантик-синтактик гуруҳларни ажратиш ва улар туза оладиган синтактик қурилмаларнинг таркибий моделларини бериш, грамматик шакл валентлигини ўрганиш асносида лексик-семантик ва грамматик валентликларнинг ўзаро уйғунлашган шаклда воқеланиш кўриниши бўлган сўзшаклнинг умумий лисоний қолипини яратиш каби устувор йўналишлардаги тадқиқотлар ҳам эътиборга моликдир.

Мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар даврида тил ва маънавийат давлат сиёсати даражасига кўтарилган масала бўлиб келмоқда. Дунё мамлакатлари билан глобал соҳаларда ўзаро алоқалар ўрнатилаётган бугунги кунда ҳар бир миллатнинг руҳиятини ўзида акс эттирадиган тил ҳодисаларини субстанциал асосларда ўрганиш шу халқнинг маънавий қадриятлари билан боғлиқ билимларни оширишда муҳим омилдир. 2016 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев мамлакатнинг етакчи олимлари, зиёлилари, академиклари билан учрашиб, бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилаётганини, зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин эканини таъкидлаб ўтдики¹, бу ўз навбатида, валентлик ва субстанциаллик орасидаги муносабатларни атрофлича таҳлил этишга, грамматик валентлик илмий тушунчасини шакллантиришга имконият яратди. Ўзбекистон Республикасини янада

¹ Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили // Халқ сўзи, 2017 йил, 6 январь.

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш тилшунослик соҳасида ҳам чуқур ва янги изланишлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Сўзларнинг бириктиш қонуниятлари, валентликни тавсифлаш методикаси масалалари, семантик ва синтактик, лисоний ва нутқий валентликларни ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Montpellier (Франция), Princeton University (АҚШ), Bibliographisches Institut (Германия), Oxford University Language Centre (Англия), Лингвистик тадқиқотлар институти (РАН), И.А.Мельчук ва Ю.Д.Апресян номидаги Москва Семантик мактаби, Компьютер лингвистикаси лабораторияси (РФ), Baki Dövlət universiteti (Озарбайжон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА ҳузуридаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида валентликнинг тилдаги хусусиятларини ўрганиш, валентлик тушунчасининг назарий асосларини ишлаб чиқиш, унинг типларини ажратишга йўналтирилган тадқиқотлар негизида қуйидаги илмий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28 (6722).

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.universityofcalifornia.edu, www.harvard.edu, www.indiana.edu, www.uni-bonn.de, www.krugosvet.ru.valentnost, www.scicenter.sintagmatika.com, www.philol.msu.ru/, <https://iling.spb.ru/grammatikon>, www.princeton.edu, <https://bigenc.ru/linguistics/text/>, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

натижалар олинган: лисоний валентлик қонуниятлари хорижда, хусусан, феъл туркумига мансуб сўзлар доирасида кенг ўрганилган бўлиб, Германияда немис тилшунослари томонидан атрофлича тадқиқ қилинган (Bibliographisches Institut (Германия); француз тилшуноси Л.Теньер томонидан валентлик тушунчасининг назарий асослари ишлаб чиқилган University of Montpellier (Франция); ҳар бир лексемага тегишли электрон маълумотларни тўпловчи WORDNETлар яратилган (Princeton University, Harvard University (АҚШ); XX асрнинг 40-йилларида шўро тилшунослигига валентлик тушунчасини С.Д.Кацнельсон олиб кирган ва синтактик валентлик хусусиятлари ҳақидаги қарашларини баён этган (Лингвистик тадқиқотлар институти (РФА); И.А.Мельчук ва Ю.Д.Апресянлар томонидан сўзларнинг семантик хусусиятлари батафсил тавсифланган изоҳли-комбинатор луғат яратилган (Москва Семантик мактаби), жумлани ташкил этувчи алоҳида сўзларнинг маънолари бутун жумланинг маъносини ташкил этувчи ягона бир бутунга боғланиш хусусиятлари тадқиқ этилган (Компьютер лингвистикаси лабораторияси (РФ); туркийшуносликка семантик-синтактик гуруҳ (ССГ) тушунчасини А.А.Цалкаламанидзе олиб кирган (Лингвистик тадқиқотлар институти (РФА); сўз туркумлари ичида феъл ва унинг луғавий маъно гуруҳлари валентликлари таснифига бағишланган бир қанча тадқиқот ишлари бажарилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзРФА хузуридаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида валентликнинг лисоний хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: морфема, сўз ясалиши ва гапларга алоқадор валентликларни аниқлаш; исм туркумларига мансуб лексемалар валентлигини ўрганиш; бир лексеманинг турли семалари бирикувлари майдонини очиб бериш; лексик-семантик валентликнинг гап қурилишини белгилашдаги аҳамиятини тавсифлаш; валентлик назариясини грамматик валентлик (морфологик шакл валентлиги) илмий тушунчаси билан тўлдириш; компьютер лингвистикаси (хусусан, генератив лингвистика, нутқий бирликларни автоматик қайта ишлаш ва қайта воқелантириш эҳтиёжлари) тараққиёти билан узвий боғлиқликда валент боғланишларни моделлаштириш, нутқий ҳосилаларни автоматик тарзда яратиш ва нутқда қайта воқелантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лисоний валентлик қонуниятларини асосан феъл валентлиги мисолида махсус тадқиқ этишда ўзбек тилшунослари: И.К.Кўчқортоев¹, А.А.Цалкаламанидзе², Р.Расулов³,

¹ Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – Ташкент: Ўқитувчи, 1977. – 168 с.

² Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтаксические группы глаголов в узбекском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1987. – 129 с.

³ Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989. – 142 б.

В.А.Каримжонова¹, Ў.Шарипова², С.Ҳ.Муҳамедова³, М.М.Миртожиев⁴лар; рус олимлари: С.Д.Кацнельсон⁵, С.М.Кибардина⁶, М.Д.Степанова⁷, Н.И.Филичева⁸ ҳамда хорижлик Г.Хельбиг, А.Бальвег-Шрамм, Г.Шумахер, Л.Тенъер каби олимларнинг хизмати беқиёс⁹. Жумладан, хорижда сўз туркумлари валентлиги, семантик ва синтактик валентлик кўринишлари ўрганилган ҳамда бу соҳада сўзлар бирикувига доир бир қанча луғатлар яратилган¹⁰. Туркийшуносликда эса С.Н.Иванов¹¹ сифатдошларни валентлик назарияси тамойиллари асосида очиб берган.

Ўзбек тилшунослигида И.К.Қўчқортоев нутқ феълларини, А.А.Цалкаламанидзе феъл сўз туркуми доирасидаги семантик-синтактик гуруҳларни, Р.Расулов ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликларини, В.А.Каримжонова ўрин келишликли бирикмалар семантикасини, Ў.Шарипова юмуш феъллари маъно валентлигини, С.Ҳ.Муҳамедова ҳаракат феъллари валентлигини, М.Миртожиев феъл валентлигини ўрганиб, ўзбек тилшунослигида валентлик назариясини шакллантирдилар. Аммо валентликнинг кўриниши бўлган грамматик шакл валентлиги илмий тушунчаси махсус таҳлил манбаи бўлмаган.

Тилшунослигимизда мустақил йўналиш сифатида шаклланган ўзбек формал-функционал тилшунослиги¹² гапнинг энг кичик қурилиш қолипи¹³ ва унинг кенгайиши, содда гап қурилишида ҳол ва тўлдирувчи муносабати¹⁴,

¹Каримжонова В.А. Ўзбек тилида ўрин келишликли бирикмалар семантикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. –24 б.

²Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. –23 б.

³Муҳамедова С.Ҳ. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2007. – 402 б.

⁴Миртожиев М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. – Тошкент: Университет, 2007. – 64 б.

⁵Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности // Вопросы языкознания. – Москва, 1987. – №3. – С. 20-32; Кацнельсон С.Д. О грамматической категории // Вестник ЛГУ. Серия истории языка и литературы. – Л., 1948. – №2. – С. 114-134.

⁶Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теории валентности // Категория субъекта и объекта в языках различных типов. –Л.: Наука, 1972. – С.23-44.

⁷Степанова М.Д. Теория валентности и валентный анализ (на материале современного немецкого языка). – Москва: Высшая школа, 1973. – 215 с.

⁸Филичева Н.И. Понятие синтаксической валентности в работах зарубежных лингвистов // Вопросы языкознания. – Москва, 1967. – №2. – С.119-120.

⁹Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. – Москва: Высшая школа, 1978. – 257 с.; Бальвег-Шрамм А., Шумахер Г. Словарь глагольных валентностей на семантической основе// Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XIV. Проблемы и методы лексикографии. – Москва: Прогресс, 1983. – С. 201-226; Тенъер Л. Основы структурного синтаксиса. – Москва: Прогресс, 1988. – 656 с.

¹⁰Helbig G.,Schenkel W. Worterbuch zur Valenz und Distrbution deuchen Verben. VEB Bibliodraphisches institut.– Leipzig, 1969.; Sommerfeld Karl-Ernst, Schreiber Herbert. Worterbuch zur Valenz und Distribution der Substantive. WEB Bibliographisches Institut Leipzig, 1980. – 432 s.

¹¹Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. – Л.: ЛГУ, 1959. – 152 с.; Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абул-Гази Хана. Грамматический очерк (имя и глагол). – Тошкент: Фан, 1969. – 204 с.

¹²Қурбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 51 б.

¹³Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда вокеланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994.–19 б.

¹⁴Акрамов Ш. Ўзбек тилининг гап қурилишида тўлдирувчи ва ҳол ([Wpm] валентлиги аспектида): Филол. фан. номз.... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 22 б.

уюшиқ кесим табиати¹, қўшма гап қурилиши билан алоқадор бўлган қатор масалаларнинг монографик тадқиқини берди. Лекин субстанциал морфология, яъни грамматик шакл ва сўз шаклини имкониятлар мажмуаси сифатида қараш ҳамда имкониятларнинг синтаксисда воқеланиши масаласи, субстанциал ёндашишнинг валентлик назарияси билан алоқалари, синтактик қурилмаларнинг морфологик шакл билан алоқалари ҳозиргача чет эл ва ўзбек олимлари томонидан етарли даражада тадқиқ этилмаган ва ушбу мавзу бўйича махсус тадқиқот иши олиб борилмаган. Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган «Ўзбек тилининг субстанциал тадқиқ масалалари» муаммоси мавзусидаги илмий-тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида ҳамда Андижон давлат университетида бажарилган ОТ-Ф8-057 рақамли «Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лексик-семантик ва грамматик шакл валентликларининг сўзшакл таркибида ўзаро ҳамкорлиги таҳлили орқали сўзшаклда мужассамлашган валентлик имкониятларининг синтактик қурилма таркиби ва мавқеини белгилашдаги аҳамиятини очиш ҳамда тавсифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

субстанциал фалсафий-методологик тамойилини тавсифлаш ва субстанциал ёндашиш диалектик ёндашув негизи эканлигини далиллаш;

борлиқни фалсафий ўрганиш тамойилларини лисоний мисолларда изоҳлаш;

тилни ўрганишга субстанциал ёндашиш тарихини шарҳлаш;

лексик-семантик валентликнинг жаҳон ва хусусан, ўзбек тилшунослигида ўрганилишини системалаштириш;

ўзбек тилшунослигининг бу соҳадаги ютуқларини – валентлик назариясига оид қатор чигал масалаларнинг ўзбек субстанциал тилшунослигида ўз ечимини топганлигини – кўрсатиш;

лексик-семантик валентликнинг синтактик қурилма тузилишини белгилашдаги аҳамиятини тавсифлаш ва бу йўналишдаги маълум узилишларни бартараф қилиш мақсадида семантик-синтактик гуруҳлар (ССГ) тушунчасидан фойдаланиш;

тадқиқотда илк бор исм туркумларига оид ССГларни ажратиш тажрибасини амалга ошириш;

сўз туркумлари ичида семантик-синтактик гуруҳ намуналарини ажратиш

¹ Ёров Б. Уюшиқ бўлакли содда гаплар талқинига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1996. – №4. – Б. 37-40.

ва уларнинг синтактик қобилиятларини ўрганиш;

валентлик назариясини грамматик валентлик (морфологик шакл валентлиги) илмий тушунчаси билан тўлдириш мавжудлиги ҳолатларини асослаш;

ўзбек тили грамматик (морфологик) категориялар ва шаклларининг валентлик қобилиятларини тавсифлаб, уларнинг шакл қўшилиб келаётган асос лексеманинг семантик-синтактик валентлигига кўрсатадиган таъсири асосида таснифини бериш;

сўзшакл валентлиги лексик-семантик ва грамматик валентликларнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўладиган янги бутунлик эканлигини асослаш;

валентлик қонуниятларини кузатиш асосида ўзбек тилшунослигида сўзшакл умумлисоний моделини ишлаб чиқиш ва унинг синтактик қурилма таркиби ҳамда мавқеини белгилашдаги аҳамиятини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек субстанциал тилшунослиги танланган ва ўзбек жонли сўзлашуви ҳамда бадий асарлардан олинган нутқий воқеланишлар тадқиқ материални ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети лексик-семантик ва грамматик валентликларнинг сўзшакл таркибида янги бутунликни ҳосил қилиши, синтактик қурилма таркиби ва мавқеини белгилашдаги аҳамиятини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Изчиллик ва онглилик билан татбиқ этиладиган диалектик гносеология тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этади. Ишда, асосан, структурал таҳлилнинг бир кўриниши сифатида шаклланган субстанциал таҳлил методи ва ишнинг биринчи бобида батафсил шарҳланган 16 диалектик тамойилдан фойдаланилди. Ўрни билан зарурат асосида моделлаштириш ва трансформациялаш усуллари ҳам қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лингвистика учун тамоман янги масала – грамматик шакл валентлиги, унинг лексик-семантик валентликка муносабати, грамматик шаклларнинг валентлик хусусиятларига кўра таснифи каби илмий тушунчалар фанга киритилиб, таҳлил этилган;

тил ҳодисаларига субстанциал-диалектик ёндашиш келишик категорияси шакллари мисолида очиб берилган;

исталган турдаги нутқий синтактик ҳосила (сўз бирикмаси, содда гап, қўшма гап)ларнинг илдизини, ҳосил бўлиш имкониятлари асосини бу бирикмаларнинг тобе ва ҳоким таркибий қисмлари луғавий маънолари ҳамда грамматик шакллари валентликларининг ўзаро уйғунлашиши ташкил этиши исботланган;

грамматик шаклларнинг лексема лексик-семантик валентлигига таъсири морфологик ва синтактик категория шакллари мисолида таҳлил қилиниб, луғавий асос семантик-синтактик валентлигига таъсир этиш хусусиятига кўра даражаланиши (градуонимияси) аниқланган;

ўзбек тилшунослигида илк бор валентлик назарияси нуқтаи назаридан феъл бўлмаган сўз туркумлари ичида ҳам маъновий, ҳам валентлик хусусиятлари билан умумийликка эга бўлган лексик бирликлар бирлашадиган

$nSSG^h$, $nSSG^k$, $nSSG^m$, $nSSG^e$, $nSSG^q$, $aSSG^a$, $aSSG^T$, $nuSSG$, $adSSG^{talab}$, $adSSG^{ma}$ каби семантик-синтактик гуруҳлар ажратилган ва улар туза оладиган синтактик қурилмаларнинг моделлари берилган;

/WF/ /W/(атов бирлиги) мансуб бўлган ССГнинг семантик валентлиги ва /F/(шакл) грамматик валентлигининг ўзаро таъсири ҳамда уйғунлашишидан иборат бўлган бутунлик эканлиги, барча турдаги гапларда имконият даражасида туриши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тил қурилиши ва бирликлари талқини ҳамда тавсифида субстанциал ёндашиш тарихи мухтасар асосланган;

синтактик ҳосила таркиби ва мавқеи моҳиятан сўзшакл семантик ҳамда грамматик валентлиги имкониятларининг инъикоси эканлиги ўзбек нутқи материаллари асосида мисолларда далилланган;

келажакда моделлаштириш, машина (автоматик) таржимаси, нутқни қайта бунёд этиш жараёнларида қўл келадиган исм туркумларига оид ССГларни ажратиш тажрибаси амалга оширилган;

ўзбек тили грамматик шакллари асос лексема семантик-синтактик қобилятига таъсири жиҳатидан даражаланиш қатори берилган;

валентлик назарияси ССГ ва грамматик валентлик тушунчалари билан тўлдирилгандан кейингина ўз олдига қўйган ва моделлаштиришда улкан илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган мақсадни – сўз маълум бир шаклда нутқда воқеланганда қандай турдаги синтактик қурилмани бера олишини башорат қилиш вазифасини – бажара олади ва келажак автоматик таҳлилларида катта фойда келтириши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилиши, назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тарихий-қиёсий, моделлаштириш, трансформациялаш каби усуллар билан асосланганлиги, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ўзбек тили грамматик шакллари субстанциал табиатининг янгича таҳлилидаги тегишли бўшлиқни тўлдириб, мавжуд талқинлардаги айрим камчиликларни, мунозарали масалаларни бартараф этишда илмий аҳамият касб этади. Шунингдек, ўзбек тили янги илмий грамматикасини яратишда диссертациядаги материал алоҳида мавқега эга.

Ишнинг амалий аҳамияти эса: а) олий таълимнинг ўзбек филологияси йўналишларида «Ҳозирги ўзбек тили» курси дастур ва дарсликларида грамматик категория ҳамда грамматик шаклга доир мавзуларни режалаштиришда, баён этишда манба вазифасини ўташи; в) ўзбек тили морфологияси муаммолари бўйича ихтисослик таълими курсларини ўқитишда фойдаланилиши; б) ўрта таълим бўғинларида ўзбек тили ўқитувчиларига гап қурилиши ва грамматик шакл валентлиги билан дахлдор мавзулар бўйича ёрдамчи методик қўлланмалар тузишда қўл келиши; г) ҳозирги замон

компьютер лингвистикасининг ривожланган соҳалари бўлган автоматик таржима, тил ўргатиш жараёнини автоматлаштириш ҳамда валентликка асосланган луғатлар яратиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Грамматик шакл ва сўз шаклини имкониятлар мажмуаси сифатида қараш ҳамда имкониятларнинг синтаксисда воқеланиши масаласини тадқиқ қилиш жараёнида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида:

тилшуносликда илмий тадқиқ методологиясини белгиловчи тил тизими ва унинг бирликларига субстанциал ёндашув тамойилларини белгилаш, субстанциал тамойилларнинг фалсафий ва лисоний тавсифини бериш каби масалалар тадқиқидан ОТ-Ф8-057 рақамли «Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 июндаги 89-03-2375-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек субстанциал тилшунослик тамойилларининг фалсафий ва лисоний тавсифлари мукаммаллаштирилган;

тадқиқ манбаига субстанциал ёндашиш аслида шарқона, жумладан, ўзбекона илмий йўл бўлиб, мумтоз ориф ва адиблар ундан зот ~ тажалли (ҳақ ~ борлик, кулл ~ жузв, умумийлик ~ хусусийлик) диалектикаси талқинида жуда кенг фойдаланишганлиги билан боғлиқ илмий хулосалар Ф-1-06 рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналарининг синтези» (2012 – 2016) фундаментал тадқиқот лойиҳасида татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 июндаги 89-03-2375-сон маълумотномаси). Таклиф этилган материаллар субстанциал ёндашув тадқиқ тамойилларининг шаклланиш тарихи хусусидаги материалларни бойитишга хизмат қилган;

нисбатларнинг лексик-грамматик, деривацион қобилияти асосида сўз яшашга ва сўз ўзгартиришга алоқадор категория сифатида талқин этилиши, нокатегориал шаклларнинг баъзан сўз ясаши билан ҳам боғлиқ томонлари мавжудлиги хусусидаги, ушбу формантларнинг асос лексема валентлигига таъсири масалаларини ёритиш билан боғлиқ хулосалардан ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» (2008-2010) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 июндаги 89-03-2375-сон маълумотномаси). Айни илмий натижанинг қўлланиши тил шаклланишининг деривацион қонуниятлари масалаларини ёритиш имконини берган;

ўзбек тили грамматик (морфологик) категориялар ва шаклларининг валентлик қобилиятлари тавсифланиб, уларнинг шакл қўшилиб келаётган асос лексеманинг семантик-синтактик валентлигига кўрсатадиган таъсири «Hozirgi o'zbek adabiy tili. Morfologiya va sintaksis» электрон дарслигида изоҳланган (Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг 2016 йил 26 сентябрдаги № 000254-сонли гувоҳномаси; Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 89-03-1213-сон маълумотномаси). Натижада диссертацияда келтирилган далиллар, таҳлил натижалари тил бирликларининг системавий хусусиятларини очиб беришда ижобий самара берган;

тадқиқот материали ва хулосаларидан 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (Ўзбек филологияси) таълим йўналиши учун мўлжалланган «Замонавий ўзбек тили. Морфология» номли ўқув қўлланмани, «Zamonaviy o'zbek tili. Sintaksis» номли дарсликнинг 1-3-бўлимлари мавзуларини тайёрлашда, Д.Йўлдошева томонидан нашр этилган «Ona tili ta'limi maqsadining tadrijiy taraqqiyoti» номли ўқув қўлланманинг 1-2- бўлимларини тайёрлашда, С.Назарованинг «Сўз бирикмаси синтаксиси субстанциал талқинда» (ISBN 978-9943-19-333-8), М.Эрназарованинг «Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида» (ISBN 978-9943-4726-2-4) номли монографияларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 июндаги 89-03-2286-сон маълумотномаси). Илмий хулосалар талаба-ёшларнинг бу борадаги назарий билимларини оширишга хизмат қилган;

диссертация иши натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсиялар 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш бакалавриат таълим йўналишида ўқитиладиган «Тилшунослик назарияси», «Ҳозирги ўзбек тили» ҳамда 5А.120102 – Лингвистика (Ўзбек тилшунослиги) магистратура мутахассислиги учун мўлжалланган «Назарий тилшунослик масалалари» каби фанларни такомиллаштириш ва ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 89-03-1213-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг грамматик категория, грамматик маъно ва грамматик шакл талқини ҳамда лисоний валентлик борасидаги билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

тилдаги бирикиш қонуниятлари, тил қурилишига субстанциал жиҳатдан ёндашиш масалалари, сўзшакл лисоний синтактик модели ва унинг грамматик шакл валентлиги билан боғлиқ жиҳатлари хусусидаги назарий қарашлардан «Madaniyat va ma'rifati» каналининг «Тадқиқот», «Китоб ва китобхон» телекўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 89-03-1213-сон маълумотномаси). Илмий қарашлар китобхонларнинг замонавий тилшунослик масалалари борасидаги билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жаҳонда танилаётган ўзбек субстанциал тилшунослиги тарихий илдизлари, таҳлил методлари юзасидан келинган хулосалардан «O'zbekiston» телерадиоканалининг «Бедорлик», «Таълим ва тараққиёт» эшиттиришларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 17 апрелдаги 02/2-1-70-сон маълумотномаси). Натижада эшиттиришларнинг илмийлиги таъминланган, радиотингловчилар субстанциал фалсафий-методологик таҳлил тамойиллари хусусида маълумотга эга бўлишган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 22 та, жумладан, 8 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 71 та илмий иш, жумладан, 1 монография, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола (21 та республика, 2 та хориж), 36 та илмий ахборот ва маъруза тезислари, шулардан 8та илмий мақола халқаро журнал ва тўпламларда чоп этилган. Натижалар 8 та дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳамда 3 та усулий қўлланмадан ҳам ўрин олган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 240 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

«Кириш» қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг республика фан-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги, илмий ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, илмий муаммо юзасидан нашр этилган ишлар ҳажми, диссертациянинг тузилиш таркиби кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Тил қурилишининг субстанциал талқини»** деб номланади. Ўзбек тилшунослигида шаклланиб, миллий истиқлол шарофати билан расман тан олинган ва ривожланган, олий таълим тизимига татбиқ этилган; эришган ютуқлари билан ҳатто Европа тилшуносларининг ҳам эътиборини торта олган¹ субстанциализм ва субстанциал ёндашувда тил қурилиши талқини муаммосига бағишланган ушбу бобга икки бўлим ажратилган. Мазкур бобнинг биринчи бўлимида субстанциал фалсафий-методологик таҳлил тамойили ҳақида баҳс боради. Бундай бўлимнинг зарурати тадқиқ манбаига субстанциал ёндашиш тамойиллари ҳали фанимизда кенг оммалашмаганлиги, лекин бугун ўзбек тилшунослигида тил ҳодисалари тадқиқи билан шуғулланадиган ҳар бир тадқиқотчи уларни чуқур билиши лозимлиги билан белгиланади. Аниқки, борлиқ инсон иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда табиатнинг фундаментал қонунлари асосида ривожланади. Дунёдаги барча воқеа-ҳодисалар билиш назариясининг фалсафий категориялари ёрдамида таҳлил этилади. Шунинг учун олийгоҳларнинг ўзбек филологияси таълим йўналиши талабалари учун яратилган ва айни вақтда амалда бўлган ҳозирги ўзбек адабий тили бўйича ўқув қўлланма ҳамда дарсликларда ҳам шундай гносеологик-методологик бандлар ажратилган². Тадқиқотга бундай ёндашиш Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир фанни фалсафа билан боғлаб ўрганиш лозимлиги ҳақидаги фикрлари билан асосланади: «Аслида тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бирини тақозо

¹ Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o`zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2010. – B. 23-30; Сайфуллаева Р. Тан олинган тадқиқот // Ўзбекистон овози. – 2008, 29 январь.

² Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва б. Ҳозирги ўзбек тили. – Т.: Фан ва технология, 2009. – 416 б.; Sayfullayeva R. ва б. Hozirgi o`zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2010. – B. 23-30.

этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқ-қорани фарқлашга асос бўладиган фанлардир»¹.

Ишнинг бу боби моҳиятан диссертацион ишнинг методологик (гносеологик) тамойилларини очиб ва асослаб беради. Бунда шарҳланган тамойиллар кейинги боб ва бандларда ўзбек тили қурилиш бирликларининг таҳлилига амалий татбиқ этилган. Бунда қуйидаги масалалар кўриб ўтилган:

1. Субстанциаллик фалсафий-методологик тамойили ҳақида. Фалсафий-методологик адабиётларда нарсани фаҳмий ўрганишга зид турган билиш усули сифатида идрокий (ботиний, ички, ақлий ва б.) билим қайд этилади. Фаҳмий билиш, асосан, нутқ бирликларини алоҳидалик, ходиса, воқеа ва оқибат (қисқ. АХВО) сифатида таҳлил ва тавсиф этса; умумийлик, моҳият, имконият ва сабаб (УМИС) табиатига эга бўлган идрокий билим аниқланган, тавсифланган ҳодисаларнинг хилма-хиллик сабаби ва қонуниятларини, уларнинг моҳиятини очишга интилади. Чунончи, ўзбек тилида гап эгаси моддий ифодаланиши (эксплицит)нинг шарт эмаслиги ҳақидаги назарий хулоса кесим таркибининг морфологик хусусиятлари, яъни унда ҳамиша шахс-сонга ишора мавжудлиги билан неча йиллар мобайнида такрор-такрор ўрганилган, системалаштирилган гап талқини орқали юзага келган. Ёхуд келишикларнинг «олдинги сўзни кейинги сўзга боғлаш», эгалик шаклларининг «кейинги сўзни олдинги сўзга боғлаш», равишдошларнинг «феълни феъл билан боғлаш» каби умумлисоний моҳияти фаҳмий билишда тасвирланган, изчил ўрганилган мисоллар асосида келтириб чиқарилган.

2. Нарсага ёндашишда методологик хилма-хиллик. Фалсафий-методологик адабиётларда нарсани фаҳмий ўрганиш усуллариға хосланган фалсафий-методологик йўналишлар сифатида сенсуализм, эмпиризм, реализм, атомизм, феноменализм, эмприокритицизм кабилар кўрсатилади. Булар оддий материалистик ёндашиш усуллари бўлиб, нарсаға мустақил барқарор алоҳидалик сифатида қараш билан бирлашади. Бу материалистик ёндашув бевосита кузатишда берилган нарса воқеликда қандай мавжуд бўлса, уларни худди шундай тасвирлашға асосланади. Унинг турли йўналишлари мана шу бевосита кузатишда берилган нарса-ҳодисанинг турли томонлариға алоҳида эътибор қаратилганлиги билан бир-биридан ажралиб турса-да, бевосита кузатишда берилган маълумотларни ҳақиқат деб билганлиги билан бирлашади.

Бу фалсафий йўналишларға қарама-қарши равишда рационализм, функционализм, структурализм, семантизм каби йўналишлар шаклланган. Бу йўналишларда нарса ҳақида идрокий билим ҳосил қилиш бош мақсад қилиб қўйилади. Нарса ҳақида идрокий билим унинг ўзига алоқадорлари билан муносабатлари, унинг бутун таркибида тутган ўрни, вазифасини очиб бериш, яъни нарсаға диалектик ёндашиш асосида ҳосил қилинади. Субстанциаллик ҳам нарсаға ёндашишнинг кўринишларидан бири бўлиб, у юқорида айтиб ўтилган икки хил ёндашиш – материалистик ва диалектик билиш усулларида икки хил тушунилади. Материалистик ёндашишда субстанциаллик асосида

¹ Қаримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б.205.

субстанция – моддий борлиққа эга бўлган нарса/воқеа/ҳодисанинг объективлиги, ҳақиқий эканлиги мутлақлик сифатида тан олинади. Диалектик ёндашишда эса субстанциаллик тамомила бошқача – бевосита кузатишда берилган нарса/воқеа/ҳодисалар “муносабатлар мажмуи” сифатида, яъни белги-хусусиятлар ва муносабатлар мажмуаси сифатида очиладиган ва бевосита кузатишда берилмаган моҳият сифатида қаралади. Шунинг учун материалистик-субстанциал ёндашишда нарса моддийликда муайян воқеланиш ҳолатида тасвирланса, диалектик-субстанциал ёндашишда нарсанинг чексиз шакл ва ҳолатларда воқеланишлари замирида ётган ва шу воқеланишларнинг сабаби бўладиган муносабатлар мажмуаси нарсанинг субстанциал моҳияти деб тушунилади.

3. Субстанциал ёндашиш тарихидан. Тасаввуфда ва диалектик гносеологияда билиш, ўрганиш ҳамда тадқиқ манбаига ёндашиш ва у ҳақида диалектик билим ҳосил қилишнинг 16 та асосий тамойили ажратилган. Бу тамойиллар фалсафий қарашларда Афлотун давридан бошлаб XX асргача хилма-хил шаклда такомиллашиб келди ва у XIX-XX асрлар фалсафасининг олий чўққиси саналади. Бу тамойиллар Шарқ фалсафасида IX-XIV асрларда Форобий, Ибн Арабий, Ибн Рушд, Ҳамза Фансурий каби файласуфларнинг ишларида шакллантирилган. Жумладан, исломий тасаввуфда зот ва тажалли назарияси нарсага диалектик субстанциаллик нуқтаи назардан ёндашишнинг илк намуналаридандир. Исломий тасаввуфда зот ва тажалли масалалари илмий адабиётларда атрофлича ўрганилган¹.

Европа илмий-фалсафий инкилобида бу методологик асослар Ибн Рушд номи билан боғлиқ бўлган абероизм² орқали Европанинг ўрта аср ва янги давр файласуфлари қарашларига кучли таъсир кўрсатди. Фридрих Гегель таълимотида борлиқни ўрганишнинг 16 тамойили сифатида юқори чўққига кўтарилди. XIX-XX асрлар фанининг инкилобий бурилишига асос бўлган бу тамойиллар, жумладан, академик Б.М.Кедров бошчилигидаги файласуфларнинг катта гуруҳи томонидан фаннинг энг сўнгги ютуқлари асосида такомиллаштирилди ва беш жилддан иборат «Диалектика – билиш назарияси»³, икки китобдан иборат «Диалектика ва логика»⁴, шунингдек, ўнлаб монографияларда батафсил шарҳланди⁵. Мазкур 16 тамойил

¹ Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – Москва: Наука, 1987. – 190 с.; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: ИВЛ, 1965. – 524 с. (Асарнинг шу мавзуга тегишли қисмларининг ўзбекча таржимаси: Бертельс Е.Э. Сўфизм ва тасаввуф адабиёти / Рус тилидан Ибодулла Мирзаев таржимаси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2005. – 104 б.); Ибн Рушд. Опровержение опровержения // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX-XIV вв. – Москва: Мысль, 1961. – 634 с.; Ал-Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере / Пер. с арабского, исследование и комментарий В.В.Наумкина. – Москва: Наука, 1980. – 376 с.; Мец А. Мусульманский Ренессанс. – Москва: Восточная литература, 1973. – 473 с.; Вохидов Р., Нейматов Х., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: Ёзувчи, 2001. – 144 б.; Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – 272 б.; Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – 208 б.;

² Шаймухамбетова Г.Б. Арабоязычная философия средневековья и классическая традиция (начальный период). – Москва: Наука, 1979. – 152 с.

³ Диалектика – теория познания. / Под общей редакцией Б.М.Кедрова. – Москва: Наука, 1968. – 512 с.

⁴ Диалектика и логика. Законы мышления // Под общей редакцией Б.М.Кедрова. – Москва: Наука, 1962. – 336 с.

⁵ Андреев И.Д. Диалектическая логика. – Москва: Высшая школа, 1985. – 367 с.; Есперсен О. Философия грамматики. – Москва: изд.-во Иностранной литературы, 1958. – 404 с.; Кириллов В.И. Логика познания

куйидагилар:

1. Нарсанинг ҳаққоний (объектив, мустақил) алоҳидалик эканлиги.
2. Нарса – муносабатлар мажмуи.
3. Нарса ўзгариш ва тараққиётда.
4. Нарсада ички зиддиятлар.
5. Нарса зиддият (қарама-қаршилик)лар бутунлиги сифатида.
6. Қарама-қарши томонларнинг воқеланиши.
7. Анализ (таҳлил) ва синтез (умумлаштириш) бирлиги.
8. Нарса муносабатининг ўзга нарсалар билан чексизлиги.
9. Нарсаларнинг ўз аксига ўтиши.
10. Нарса муносабат (алоқадорлик)ларининг чексизлиги.
11. Нарса моҳиятида чуқурлашишнинг чексизлиги.
12. Нарса алоқадорликларининг чексиз миқдорда ошиб бориши.
13. Тараққиёт босқичида ўтган босқичлар такрори.
14. Инкорнинг инкори натижасида эскига қайтиш.
15. Мазмунни сақлаб, шаклни янгилаш.
16. Миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши.

Тилшуносликка бағишланган бу илмий иш муқаддимасида диалектиканинг бу тамойиллари устида нисбатан кенг тўхталиш заруратининг сабаби Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг муайян фанлар бўйича илмий тадқиқот жараёнида фалсафий умумлашма ва методологик тамойиллардан уқилган шакл ва мазмунда амалий фойдаланиш зарурлиги, афсуски, ҳалигача муайян фан тадқиқотчиларининг ўз соҳаларида қўллашлари учун «фалсафадан талаб даражасидаги дарсликлар» тузилмаганлиги ҳақидаги фикрларига камтарона бир жавобдир. Англашиладики, барча фанларимизни ўқитиш ва соҳалар тадқиқи учун «Фалсафа: тилшунослар учун», «Фалсафа: тарихчилар учун», «Фалсафа: химиклар учун» каби дарсликка эҳтиёж мавжуд. Шу боис ҳам ишда субстанциал таҳлилнинг диалектик-методологик тамойиллари бир-бир лисоний бирликлар мисолида изоҳланилган; айтилган тамойиллар асосида амалга ошираётган ушбу тадқиқот ҳам шу йўлдаги илк қадам ва тилшунослар учун фалсафадан дарсликлар яратиш учун хом ашёдир.

«Тил қурилиши тадқиқига субстанциал ёндашиш тарихидан» деб ном олган бўлимда тил қурилиши тадқиқига субстанциал ёндашиш тарихи уч даврга ажратиб ўрганилган:

1-давр: тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашиш [ТҚТСЁ] асосларининг белгиланиши;

2-давр: тил қурилиши талқинига субстанциал ёндашиш – методологик тамойил сифатида;

3-давр: ўзбек лисоний субстанциализмининг Ғарбий Европа тиллари ходисаларига тадбиқ этилиши.

Тилшуносликда XIX асрнинг ўрталарида «Лисоний бирликнинг субстанциал маъноси борми ёки у фақат нутқда ҳосил бўладими?» деган савол

сущности. – Москва: Высшая школа, 1980. – 174 с.; Уемов А.И. Вещи, свойства и отношения. – Москва: Наука, 1963. – 184 с.

ўртага қўйилган ва масалага биринчилардан бўлиб Г.Пауль жавоб берган. 1926 йилда ташкил қилинган Прага лингвистик тўғараги функционалистлари (рус лингвист олимлари Н.Трубецкой, Р.Якобсон, С.Карцевский; чех тилшунослари В.Матезиус, В.Скаличка) Г.Пауль назариясини ривожлантириб, ҳар бир лисоний бирлик ўз субстанциал онтологик маъно (функцияси)га эга ва шу функция асосида нутқда ранг-баранг маъно бўёқларига эга бўлади, деган ғояни илгари сурганлар ва бу даврни ТҚТСЁ бўсағаси асоси деб санаш мумкин.

Субстанциал-диалектик тилшунослик ривожланишининг иккинчи даври туркийшунос олим С.Иванов номи билан боғлиқ. Олим лисоний бирликлар моҳиятини очишда диалектик фалсафа нуқтаи назаридан ёндашиб, ўзига хос янги таълимот яратди. Туркийшунос грамматик тадқиқотларнинг назарий асосларини ҳам ишлаб чиқди¹.

С.Ивановнинг субстанциал талқини морфологик категориялар асосида шакллантирилган бўлса, ўзбек тилшунослигида унинг кўп сонли издошлари ишларида нафақат морфология, балки лексика, синтаксис ва бошқа сатҳ бирликлари ва ҳодисалари миллий моҳиятга йўғрилган ҳамда Ўзбекистонда миллий истиқлол олдимишга қўйган янги вазифаларни ҳал этишга қаратилган мақсад ҳамда йўналишларда тавсиф ва талқинини топди². Бугунги кунда ўзбек лисоний субстанциализми Ғарбий Европа тиллари ҳодисаларига тадбиқ этилмоқда.

Субстанциалликнинг бош тамойили – лисоний бирликка «мажмуи асмо ва сифот» сифатида нутқда хилма-хил ҳолатда воқелантира оладиган хусусият, маъно ва вазифаларни имконият сифатида ўзида мужассамлаштирган ҳамда хилма-хил контекстуал шароитларда бу мажмуа ва имкониятлардан фақат айрим бир қиррасини воқелантира оладиган ҳодиса деб қарашдир. Бунинг амалий исботи келишик категорияси шакллари мисолида ишнинг кейинги бандида ёритилган.

Иккинчи бобда **семантик валентлик ва семантик-синтактик гуруҳлар хусусида** мулоҳаза юритилади. Валентликнинг субстанциалликка алоқадор томонлари мавжуд бўлганлиги боис мазкур бобда валентлик, унинг турлари, тилшуносликда ўрганилиши ва аҳамияти ҳақида сўз боради. Валентлик назариясининг ўзига хос тараққиёт босқичлари, бу назария илдизларининг узоқ тарихга эгалиги, бу соҳада изланиш олиб борган олимларнинг қарашлари, семантик валентликнинг юзага чиқиши билан алоқадор бўлган нейтрал (мўътадил, бўлиши мумкин, лекин зарур эмас, бор/йўқлиги (эксплицитлиги), воқеланганлиги/ воқеланмаганлиги лексема маъносига таъсир этмайдиган), факультатив (қўшимча, лексема маъносини аниқлаштирувчи), зарурий (мажбурий, облигатор – лексема таркибидаги турли семемаларни фарқлашга хизмат қиладиган), ажралмас (комплетив, маълум бир турдаги маъно

¹ Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. – Л.: ЛГУ, 1959. – 152 с.; Иванов С.Н. Родословное древо тюрок Абу-л-Гази Хана. Грамматический очерк (имя и глагол). – Ташкент: Фан, 1969. – 204 с.; Иванов С.Н. Курс турецкой грамматики. Ч.І. – Л.: ЛГУ, 1975. – 100 с.; Ч.ІІ. – Л.: ЛГУ, 1977. – 87 с.

² Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 51 б.; Курбонова М. Ҳозирги замон ўзбек тили (сода гап синтаксиси учун материаллар). – Тошкент: Университет, 2002. – 117 б.

воқеланиши учун ҳамиша зарур бўлган) актантлар, уларнинг шаклий хусусиятлари, бу соҳада олиб борилган изланишлар олима С.Мухаммедова тадқиқотида мукамал ўрганилганлиги бу борадаги баённи анча ихчамлаштиради¹. Кейинги даврда лексикани система сифатида ўрганиш билан узвий боғлиқликда сўзларнинг ҳар хил маъновий гуруҳларини ажратиб тадқиқ этишга кўп эътибор қаратилмоқда; уларнинг ҳар хил жуфтликлар, қаторлар, маъновий гуруҳлар, мавзувий тўдалари лексик майдонлар сифатида бирлаштириб ўрганилишига катта эътибор берилмоқда². Мана шу жараёнда бир луғавий-маъновий гуруҳ (ЛСГ)га бирлашадиган сўзлар орасида валентлик, синтактик бирикувчанлик билан фарқланадиган сўзлар ҳам бўлиши маълум бўлди³ ва бу сўзларнинг семантик-синтактик гуруҳлари (ССГ) тушунчасини фанга олиб киришни тақозо қилди⁴. Синтактик қурилма таркиби ва тузилишига сўзнинг қайси луғавий маъновий гуруҳга мансублиги эмас, унинг қандай ССГга алоқадорлиги аҳамиятлидир. Тилимиздаги ССГлар деярли ўрганилмаган, шунинг учун ишнинг бу боби икки бўлимдан иборат:

1-бўлими тилшуносликда атрофлича ўрганилган лексик-семантик валентликнинг ўрганилиши ва гап, сўз бирикмаси структурасини белгилашдаги аҳамияти бўйича тилшунослигимиз қўлга киритган ютуқларни системалаштиришга бағишланади. Бунинг асосий сабаблари, мазкур илмий тадқиқнинг тарихий ўтмиши лексик-семантик. Иккинчидан, тилшуносликда XX асрнинг ўрталаридан бошлаб ўрганилиб келинаётган валентлик формал ва структурал тилшунослик ичида очилди ва тавсифлана бошланди. Лекин валентлик назарияси моҳиятида тилга формал ёки структурал ёндашиш методологияси инъикоси эмас, балки унга с у б с т а н ц и а л, яъни маълум бир турдаги имкониятлар мажмуаси, яширин потенция сифатида ёндашиш методологиясининг инъикосини кўриш мумкин. Шунинг учун тилшуносликда валентлик назариясининг шаклланиши субстанциал ёндашишнинг бўсағаси деб саналиши мумкин. Валентлик назариясининг субстанциал ёндашув билан бундай методологик (генетик-онтологик) яқинлашиши ҳозиргача махсус тадқиқ манбаи бўлган эмас эди.

Бобнинг 2-бўлимида тилшунослигимизда қўйилиб, феъллар доирасида А.А.Цалкаламанидзе томонидан қисман ўрганилган ССГ устида фикр юритилган. Тилшуносликда Арастудан бошлаб ажратилиб келинаётган сўз туркумлари ўзига хос ССГлардир. Зеро, уларнинг ажратилиши ҳамиша маъновий ва синтактик белгилар асосида амалга оширилган ва қадимги даврлардан бошлаб ҳозиргача давом этиб келмоқда⁵. Ҳар бир сўз туркумида ўзига

¹ Мухамедова С.Х. Ўша манба. – 402 б.

² Султонсаидова С. Ўзбек тилидаги грамматик категорияларнинг ўзаро муносабати: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 57 б.


³ Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989. – 142 б.; Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтаксические группы глаголов в узбекском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1987. – 129 с.; Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – 168 б.

⁴ Нигматов Х.Г., Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтаксические группы глаголов и значение залоговых аффиксов в узбекском языке//Советская тюркология. – Москва, 1979. - №3. – С.48-56.; Диалектика и логика. Законы мышления//Под общей редакцией Б.М.Кедрова.– Москва: Наука, 1962. –336 с.

⁵ Элтазаров Ж.Д. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар. – Самарқанд: СамДУ, 1996. – 126 б.; Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши: Филол. фан. д-ри. ... дисс. –

хос умумий бирикувчанлик қобилияти мавжуд. У, академик А.Ҳожиёв таъбири билан айтганда, туркум маъноси¹ билан узвий боғлиқ бўлиб, сўзнинг муайян маъноси билан алоқадор эмас. Чунончи, от сўз туркумига мансуб исталган сўз белги-хусусият, миқдор, эгалик кўшимчалари билан бирикиб келган бўлса, қаратқичли-қаратувчи нейтрал валентлигига эга. Одатда, аниқловчи вазифасида келадиган бундай бўлақлар сўзнинг факультатив ва зарурий валентликлари, сўзнинг семантик хусусиятлари билан бевосита алоқадор эмас. Ушбу хусусият от туркумига мансуб бўлган барча сўзлар учун хос бўлганлиги сабабли, сўз туркуми ССГларини ажратишда бундай актантилар ҳисобга олинмайди, зероки, от сўз туркумига хос умумий нейтрал валентликдир.

Тадқиқотда ўзбек тилшунослигида валентлик назарияси нуқтаи назаридан жуда кам ўрганилган исм (от, сифат, сон, равиш), яъни кенг маънода от туркумига мансуб сўзларда валентлик ва ССГ масаласи устида мулоҳаза юритилган. ССГ атамаси остида валентлик қобилиятлари бир хил ва маълум бир ўта умумий маъно билан бирлашадиган сўзлар гуруҳи тушунилади. *От туркумига* оид сўзлар ичида ўзига хос семантик валентликка эга бўлган сўзлар сифатида, энг аввало, шартли равишда «хужжатлар» деб аталадиган ва маълум бир турдаги ахборотни ўз ичига олган сўзлар алоҳида бир ССГга ажратилиши лозим (қисқарт: ${}_nSSG^h$). Бундай сўзларнинг миқдори жуда кўп: *хат, баён, иншо, китоб, шеър, асар, ариза, маълумотнома...* . ${}_nSSG^h$ га мансуб сўз марказида турган синтактик қурилманинг таркиби ва структураси²:




шаклидадир, яъни ${}_nSSG^h$ гуруҳига мансуб бўлган сўз унда мужассамланган маънони тўла очиб бериш учун адресат (кимга / нимага йўналганлик, аталганлик), адресант (кимдан чиқаётганлиги), сабаб маъноларини ифодаловчи воситасиз тўлдирувчилар билан бириккан бўлади ва улар билан биргаликда бир синтактик қурилмани ташкил этади: *чунончи, бошлиққа ходимдан таътил ҳақида ариза / илтимоснома...* От туркуми ичида жуда катта бир луғавий-маъновий гуруҳни ташкил этадиган қурол номлари (${}_nSSG^q$) лексемалари ҳам алоҳида бир ССГ тузади. Улар O_{ad} чиқиш келишиги шаклидаги манба маъносини ифодаладиган O_{obj} ли қурилмаларни бера олади: *олмосни ишлов беришга / бериш учун қўрғошиндан кескич*, яъни


Самарқанд, 2005. – 250 б.

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 88-98.

² Моделларда – синтактик қурилманинг минимал таркибини беришда, асосан, А.А.Цалкаламанидзе берган усул ва рамзлардан фойдаланилган.



Сифат туркуми ичида ССГларни ажратишда сифатларнинг аслий ва нисбий каби икки анъанавий гуруҳга бўлинишига эътибор қаратилган. Аслий сифатларнинг барчаси ($aSSG^a$) чиқиш келишиги ёки *-га/-дан кўра* морфологик элементли объект билан (O_{obl}) бирикиш қобилиятига эга ва қиёс-чоғиштириш маъноларини ифодалаб, $O_{obl} \leftarrow aSSG^a$ таркибли синтактик қурилмаларни туза олади: *ундан чиройли/гўзал/...*, *ақлли/саводли...*; *Жондан ширин Ватаним, Ўзбекистоним* (Ш.Сулаймон). Ҳар хил руҳий ҳолат ифодаловчи ($aSSG^r$) аслий сифатлар (*хурсанд, мамнун, мағрур, масрур, хафа...*) ва нисбий сифатлар (*гамгин, уятли, хандон, ўйчан, қайғули...*) икки хил объектли синтактик қурилмалар ҳосил қила олиши сабабли алоҳида ССГга ажратилиши лозим. Улар туза оладиган синтактик қурилмалар



таркибига эга бўлиб, жўналиш ёки чиқиш келишиги шаклидаги O^1_{obl} сабабманба маъносини воқелантирса, O^2_{obl} – қиёс-чоғиштириш маъносига эга бўлади: *бу хатдан онасига кўра қизи хурсандроқ эди.*

Айрим содда ясама ва қўшма ясама равишлар факультатив валентликка эга. Чунончи, *саноқ сон + талаб = содда ёки таркибли равиш / сўз* ясаш қолипи ҳосилалари (*битталаб, ўнталаб, йигирма бирталаб, бир юз йигирматалаб...*) алоҳида бир ССГ ($adSSG^{talab}$)ни ташкил этиши мумкин. Бу равишлар чиқиш келишиги шаклидаги объект (O_{obl}) билан факультатив боғланиш валентлигига эга, яъни $O_{obl} \leftarrow adSSG^{talab}$ таркибли синтактик қурилмалар бера олади: *гуллардан учталаб дасталади...* /*от+ма+от*/ (-ма боғловчили такрор отлар) равиш ясаш қолипи ҳосилалари алоҳида ССГни ташкил қилади – $adSSG^{ma}$ билан кўмакчили ёки жўналиш келишиги шаклли объект билан (O_{obl}) бирикишни талаб қилиб, $O_{obl} \leftarrow adSSG^{ma}$ таркибли синтактик қурилмалар беради: *Уч душман билан яккама-якка олишди-я* (А.Қодирий).

Сўзларнинг ССГлари ҳар бир сўз туркуми ичида ажратилади ва унда туркум валентлиги эмас, балки ҳар бир ССГнинг ўзига хос нейтрал ва зарурий валентлиги ҳисобга олинади. Шунинг учун ССГлар моҳиятан маъновий ва синтактик тамойиллар асосида ажратиладиган анъанавий сўз туркумлари ичида ўзига хос кичикроқ маъновий-синтактик гуруҳлардир.

Ҳозирча бу сўз туркумлари ичида $nSSG^h$ (ёзма маҳсулот умумий маъноси билан бирлашадиган ҳужжат номи ва ҳис-туйғуни атовчи мавҳум от таркибли

синтактик қурилмалар), $nSSG^k$ (шахсни мансаб, лавозим, касб-корига кўра тавсифловчи от таркибли синтактик қурилмалар), $nSSG^m$ (модда-маъдан, хомашё от таркибли синтактик қурилмалар), $nSSG^e$ (шахс ва нарсанинг бирор белгига эгалик/эгасизлик маъноси билан алоқадор бўлган ҳар хил ижтимоий, рухий, маданий ҳолатларни ифодаловчи от таркибли синтактик қурилмалар), $nSSG^q$ (қурол номли от таркибли синтактик қурилмалар), $aSSG^a$ (аслий сифат таркибли синтактик қурилмалар), $aSSG^t$ (нисбий сифат таркибли синтактик қурилмалар), $nnSSG$ (сон таркибли синтактик қурилмалар), $adSSG^{talab}$, $adSSG^{ma}$ (/санок сон + талаб = содда ёки таркибли равиш/, /от+ма-от = такрорий равиш/ таркибли синтактик қурилмалар) каби ССГларни ажратиш ва улар туза оладиган синтактик қурилмалар таркибининг моделларини беришга муваффақ бўлинди. Қисқаси, сўз туркумлари ичида ажратиладиган бундай ССГ тилни моделлаштириш, компьютер лингвистикаси, матнни автоматик таҳлил қилиш, машина таржимаси ва нутқни автоматик қайта ишлаш моделларини ишлаб чиқишда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Учинчи боб «Грамматик валентлик ва унинг синтактик қурилма тузилишини белгилашда аҳамияти» деб ном олган. Ўзбек тилшунослигида морфологик шаклларнинг синтактик имкониятларга эгалиги исботлангач¹, яъни грамматик шаклда синтактик қобилият мавжуд бўлади, деган назария илгари сурилгач, ўз-ўзидан грамматик шакл валентлиги масаласи ҳам ўртага қўйилди. Сабаби, маълум бир шакл асос лексемага қўшилгач, ўша лексеманинг бирикувчанлик қобилиятига таъсир этмай қўймайди.

Грамматик шакл валентлиги тушунчасининг асосини ўзбек тилшунослигида илк марта М.Абузалованинг: «Ўзбек тилида гапнинг минимал қолипи ([WPm])нинг нутқда кенгайишида икки омил:

1) кесимнинг луғавий (номинатив) асоси – [W]нинг;

2) унинг грамматик шакли – кесимлик категорияси [Pm]нинг

нутқда кенгайиш қобилияти мавжуд»², деган тезиси ташкил этади. Гапнинг грамматик шакл (кесимлик шакллари – [Pm]) асосида кенгайиши, том маънода, грамматик шакл валентлигининг воқеланишидир. Бу валентликнинг воқеланишида кесимнинг лексик (номинатив) асоси ([W]) мавқеида ўтимли-ўтимсиз феъллар келганда грамматик шакл (кесимлик категорияси, [Pm]) валентлиги билан феъл лексик-семантик валентлигининг мувофиқлашуви, мос келиши (симметрияси) ва мос келмаслиги (номувофиқлиги, асимметрияси) қисман М.Қурбонова, Ш.Акрамов, Ҳ.Шокирова ишларида кўриб ўтилган³. Грамматик шакл валентлиги муаммоси Ш.Шаҳобиддинова ишларида ҳам, Б.Менглиев тадқиқотларида ҳам кўтарилган⁴. Лекин бу тадқиқотларда мазкур масала махсус тадқиқот манбаи бўлган эмас ва сўз шаклининг функционал (нутқда воқеланиш) томонлари билан боғлиқ равишда йўл-йўлакай эслатиб

¹ Менглиев Б. Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва семантик имкониятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 23 б.

² Абузалова М. Ўша манба. – Б.13.

³ Қурбонова М. Ўша манба. – 117 б.; Акрамов Ш. Ўша манба. – 22 б.; Шокирова Ҳ. Ўзбек тилида кесимлик шаклидаги шахс актантининг воқеланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 21 б.

⁴ Менглиев Б. Кўрсатилган асар. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 23 б.; Шаҳобиддинова Ш. Грамматик маъно талқини хусусида.: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1993. – 152 б.

ўтилган, холос. Шунинг учун бу масалага анча батафсил тўхталиб ўтилди. Тадқиқотда синтактик ҳамда носинтактик категория шакллари асос лексема семантик-синтактик валентлигига таъсири ўрганилиб, грамматик шакл сўзнинг потенциал (лисоний) валентлигини ўзгартириши, валентликка мутлақо таъсир этмайдиган шакл бўлмаслиги борасида асосли хулосалар тақдим этилди.

Синтактик ҳодиса сифатида тасниф этиладиган келишик, эгалик, кесимлик шакллари воқеланиши маълум бир синтактик позиция ёки мавқе билан боғланганлиги сабабли улар лексеманинг лексик-семантик валентлигига жиддий ўзгариш киритади – бир томондан, уни кенгайтириб, синтактик позицияга мос янги актант (бўлак)лар билан кенгайтириш имкониятини берса, маълум бир муайян шаклга кирганлиги учун нейтрал бирикиш қобилиятларини бирмунча чеклайди. Носинтактик шакллар эса аксарият ҳолларда сўз бирикувчанлигини торайтиради, чеклайди – бу лексик-семантик бирикувчанликнинг грамматик шакл маъноси билан уйғунлашишини талаб этади. Ишда грамматик шакллари валентликка таъсири бўйича таснифи берилган:

1. Кўплик сон морфологик шакли отларнинг лексик валентлигини чекловчи – уларнинг аниқ миқдорни ифодаловчи аниқланмишлар билан бирикишига монелик қилувчи шаклдир.

2. Субъектив баҳо шакллари луғавий асос семантик-синтактик валентлигига миқдорий эмас, сифатий ўзгариш беради. Шакл ясовчи кўшимчалар маъноси (кичрайтириш, эркалаш, ижобий муносабат)га зид бўлган сўзлар билан бирикишни чеклайди, уларнинг маъносига мувофиқ бўлган сўзлар билан бирикишни талаб қилади.

3. Сифатлардаги даража шакли, одатда, меъёрдан ортиқликни ифода этувчи сон, олмош, сифатлар билан бирика олмайди.

4. Замон категорияси шакллари сон, субъектив баҳо шакллари каби лексема бирикувчанлигини чегаралайди.

5. Майл шакли лексеманинг сўзловчининг баён этаётган воқеа, ҳаракат, ҳолат, ҳодисага бўлган муносабатини ифодаловчи актантлар, яъни ҳол ва турли киритмалар билан бирикувчанлигига ўзгариш ясайди, яъни чеклайди. Чунончи, аниқлик майлининг ўтган замон ва ҳатто, ҳозирги ҳамда келаси замон шакллари истак, гумон, тахмин маъноли киритмалар (сўз-гаплар) билан бирика олмайди.

6. Ҳаракат тарзи кўрсаткичлари гап қурилишида ўзгариш ясаб, уни кенгайтириши ёхуд айрим бирликлардан чеклаши мумкин.

7. Деривацион/реляцион моҳияти тилшунослигимизда мунозарали бўлган нокатегориал/функционал шакллар – дериватлар ўзи қўшилиб келган асосга янги лексик-семантик валентлик бағишлаганидек, бу формантлар ҳам ўзлари қўшилиб келадиган сўзларга янги лексик-семантик валентлик беради.

8. Кесимлик категорияси сўзнинг лексик-семантик валентлигини кенгайтиради – унга кесим мавқеида туриб, эга ҳамда киритмалар ва ҳар хил ҳоллар билан бирикиш имкониятини беради.

9. Нисбат шакллари асос шакл валентлик имкониятларини тубдан

ўзгартириб юбориш хусусиятига эга эканлиги билан ажралиб туради. Нисбат шакллари гап таркибини турли актантлар билан тўлдиради ва бу кенгайтирилган бўлақлар ҳар бир нисбат шаклида турли мақомда туради.

10. Эгалик шакллари тизими лексема семантик-синтактик валентлигини миқдоран кўпайтиради.

11. Эгалик шакли сўз бирикмаси таркибида ҳоким мавқеда келиш ва шу асосда тобе бўлақ билан имконий бирикиш валентлигини берса, келишик шакллари сўз бирикмаси таркибида тобе мавқеда келиш ва шу келишик шакли билан имконий бирикишга эга бўлган бирликка тобеланишни зарурий валентлик сифатида беради.

Синтактик бирлик сифатида тасниф этиладиган келишик, эгалик, кесимлик шаклларининг воқеланиши маълум бир синтактик позиция ёки мавқе билан боғланганлиги сабабли улар лексеманинг лексик-семантик валентлигига жиддий ўзгариш киритади: бир томондан, уни кенгайтирса – синтактик позицияга мос янги актантлар (бўлақлар) билан кенгайиш имкониятини берса, иккинчи томондан, маълум бир муайян шаклга кирганлиги учун нейтрал бирикиш қобилиятларини бирмунча чеклайди. Носинтактик шакллар эса аксарият ҳолларда сўз бирикувчанлигини торайтиради, чеклайди – бу лексик-семантик бирикувчанликнинг грамматик шакл маъноси билан уйғунлашишини талаб этади.

Грамматик шаклларнинг лексема лисоний лексик-семантик валентлигига таъсирида қуйидаги ҳолатлар кузатилди: а) морфологик шакл валентлиги сўзнинг лексик-семантик валентлигини янги актантлар ҳисобидан оширади; б) морфологик шакл лексема валентлиги актантлар миқдорини эмас, сифатини ўзгартиради; в) морфологик шакл валентлиги лексема валентлиги актантлар миқдорини камайтиради; г) морфологик шакл валентлиги лексема моҳиятида мавжуд бўлган имкониятларни “қўзғатади”, имкониятни заруратга айлантиради. Шу асосда грамматик шакллар:

а) фақат кенгайтирувчи;
б) фақат торайтирувчи;
в) ҳам кенгайтирувчи, ҳам торайтирувчи (актантни сифат жиҳатдан ўзгартирувчи);

г) ҳам торайтирувчи, ҳам сифат жиҳатдан ўзгартирувчи кабиларга бўлинади.

Асос лексема семантик-синтактик валентлигини фақат кенгайтирувчилар сирасига: *эгалик, кесимлик*; фақат торайтирувчилар қаторига: *кўплик сон, замон, майл шакллари, феълнинг функционал шакллари ва сифат даражалари* шакллари мансуб бўлса, *нисбат ва келишик* ҳамда қисман *ҳаракат тарзи* шакллари ҳам кенгайтирувчи, ҳам торайтирувчилар сифатида, *субъектив баҳо шакллари, “нокатегориал”* шакллар эса ҳам торайтирувчи, ҳам сифат жиҳатдан ўзгартирувчилар сифатида киритилиши мумкин.

Луғавий асос семантик-синтактик валентлигига грамматик шаклларнинг *таъсир кучи* асосида уларни қуйидаги даражаланиш қаторига тизиш мумкин:

марказини ташкил этади. Натижада /WF/ таркибидаги /W/ ўзининг лексик-семантик валентлиги учун хос бўлган кенгайтирувчиларига ҳамда /WPm/ учун хос бўлган барча бўлақлар, яъни эга, ҳол ва кириш бўлақларнинг ҳамма турлари билан кенгайиш имкониятига эга бўлади. Чунончи, *Албатта, мактабимизда ҳозир сиз ўқувчилар учун тажрибали, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиغان мураббийсиз* (П.Турсун). Мазкур гап марказидаги *мураббий* сўзи тилимиздаги „SSG^k “*Шахсни касб-корига кўра тавсифловчи отлар*” семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўздир ва у ҳар хил сифат ва миқдор аниқловчилар каби туркум валентлигидан ташқари кириш бўлақ мавқеидаги *албатта*, эга позицияда келган *сиз*, ҳол вазифасида келган *ҳозир* каби қисмларнинг кела олиш имкониятига эга. /Pm/ қандай шакл ва кўринишда келмасин, бу кенгайтирувчилар бемалол кела олади.

Ушбу қурилма марказидаги *мураббийсиз* сўзшаклидаги /Pm/ қисми бошқа – *қаратқич келишиги шакли* билан алмаштирилганда, қурилма *Албатта, мактабимизда ҳозир сиз тажрибали, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиغان мураббийнинг* шаклини олади ва информатив қийматини йўқотади. *Ҳозир* ва *сиз* бирликлари қўлламасдан ўқилса, тўғри, меъёрий, лекин тугал эмас – у тобе қисм мавқеида ва, албатта, ҳоким қисмни талаб қилади, эгалик қўшимчали бўлиши керак – буни қаратқич келишиги валентлиги талаб қилади. Гап *мураббийимсиз* шаклида тўлдирилганда эса синтактик қурилма *шахс/сон қўшимчаси* орқали битта актантага кенгайди, қаратқич келишликли аниқловчи шаклига эга бўлиши мумкин: *Албатта, мактабимизда ҳозир сиз менинг тажрибали, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиغان мураббийимсиз*. Қурилмадаги *мураббийимсиз* шакли -даги ёки -ники қўшимчаси билан алмаштирилганда, /Pm/ билан алоқадор бўлган *албатта, сиз* ва *ҳозир* қисмлари ортиқча бўлади, аммо *мураббий* лексемаси ўзининг туркум валентлигига эга бўлади – *фаоллик/босиқлик/ мактабимизда тажрибали, кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиغان мураббийники*.

Демак, WF/ таркибида /F/ синтактик категория шаклларида бири бўлса, у қурилманинг синтактик мавқеини белгилайди, носинтактик шакллардан бири бўлса, синтактик қурилма мавқеига таъсир этмайди, фақат ўзи бирикиб келган /W/нинг лексик-семантик валентлигини маълум даражада чеклайди.

/WF/ таркибидаги /F/нинг синтактик қурилмага таъсирини таҳлил этиш асосида:

а) синтактик қурилманинг таркибига кескин таъсир этмай, унинг нутқдаги мавқеини белгилайдиган, ўзгартирадиган категория ва шакллар;

б) синтактик қурилманинг нутқий мавқеига кескин таъсир этмай, унинг структураси (таркиби)га таъсир этадиган категория ва шакллар сифатида икки гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳга – *келишик, кесимлик, феълнинг функционал формалари, “нокатегориал шакллар”* тизими, ўта шартли равишда *эгалик категорияси* киритилиши мумкин бўлса, иккинчи гуруҳга – отларда *сон* ва *субъектив муносабат шакллари, сифат даражалари, феълларда нисбат, ҳаракат тарзи шакллари* мансубдир.

Таркиби қанчалик мураккаб бўлмасин, бутун синтактик қурилманинг нутқий мавқеи /WF/ таркибидаги марказий қисмнинг /F/ грамматик


валентлиги билан белгиланишидан фарқли ўлароқ, қурилманинг таркиби масаласи камида уч омил билан:

а) /WF/ таркибидаги /W/нинг қандай сўз туркуми бирлиги билан ифодаланганлиги;

б) /WF/ таркибидаги бу /W/ актантларининг қандай сўз туркуми бирлиги билан ифодаланганлиги;

в) /WF/ таркибидаги /W/ ва унинг актантлари қандай атов бирлиги билан ифодаланганлиги билан белгиланади. Масалан, синтактик бирикма таркибидаги /W/ отларнинг ${}_nSSG^h$ бирликлари билан ифодаланганда, бу ССГ бирликларининг зарурий ва имконий валентлиги қуйидаги тур қурилмани беради:

$O_{ad} \sim O_{adr} \sim O_k$ ёки



Нутқда бундай қурилмалар, хусусан, расмий иш услубида, ҳужжатлар билан ишлаш жараёнида жуда кенг қўлланилади, чунки ҳар бир ҳужжатда бу моделда кўрсатилган актантлар, албатта, ифодаланган бўлиши керак: актантлардан бирортасининг тушириб қолдирилиши ҳужжат қонуний кучининг йўқолишига олиб келиши мумкин.

Тилимиздаги исмлар ҳам, феъллар ҳам, грамматик восита (шакл)лар ҳам нутқда воқелангунга қадар ўз ичида (уруғ, шу уруғдан униб чиқадиган ўсимликнинг асосий шакл ва таркибий қисмларини ўз ичида генетик-онтологик равишда биздан тамоман яширин усулларда сақлаганидек) валентлик қобилиятини, нутқий воқеланишда ўз табиатига мос синтактик қурилма ҳосил қилиш имкониятини мужассамлаштиради. Валентлик имкониятларининг воқеланиши ёки воқеланмаслиги /WF/ таркибидаги /W/ нутқда воқелантириб келган маъноси билан боғлиқ бўлганлиги боис фан олдида *янги турдаги лугатлар* ва кўрсаткичлар – лексема ва грамматик шаклларнинг валентликларини акс эттирувчи манбалар яратиш ва оммалаштириш зарурати пайдо бўлди, бу эса, ўз навбатида, тилшуносликнинг навбатдаги босқич тадқиқотларига манба бўлади.

Замонавий компьютер лингвистикасида Wordnetларда шарҳланадиган ҳар бир сўз ўзининг валентлик имкониятлари, мукамал Wordnetлар эса ҳар бир актант мавқеида кела оладиган сўзларнинг рўйхати ва воқеланадиган маънолари кўрсатилган ҳолда тузилади¹. Бундай Wordnetлар компьютерлар

¹George A. Miller, Princeton University, Richard Beckwith, Princeton University, Christiane Fellbaum, Princeton University, Derek Gross, University of Rochester, Katherine J. Miller, Princeton University Introduction to Word Net: An On-line Lexical Database// International Journal of Lexicography, Vol. 3. No.4. © 1990 Oxford University Press.

хотирасига жойлаштирилгач, улар дастлаб исталган матнни синтактик қурилмалар сифатида ажратиш ва пировард оқибатда уларни ҳосил қилишга асос бўлади.

Ҳозиргача тадқиқотларда [W] у ёки бу туркумга мансуб сўз билан тенглаштириб келинди. Тадқиқотда исталган сўз бошқа бир сўзнинг валентлигини воқелантириб келганда, ўзи ҳам мустақил синтактик қурилма ҳосил қила олиши ва унинг маркази бўлиб келиши аниқланди ҳамда исботланди. Масалан, $/_nSSG^q/O_{ad}\sim O_{obl}/$ қолипи муайян нутқий воқеланишларда $/_nSSG^q/$ марказий бирлигининг адресат объекти (O_{ad}) мавқеида ҳам, манба маъноли объекти мавқеида ҳам (O_{obl}):

а) битта сўздан иборат бўлиб, валентлик имкониятлари воқеланмаган (бўлмаган) номинатив бирлик ҳам (чунончи, *шамоллашга қарши йўталдан дори*);

б) валентлик имкониятлари қисман воқеланган ва сўз бирикмаси шаклида келган номинатив бирлик ҳам (чунончи, *бу боланинг шамоллашга қарши қаттиқ ва сурункали йўталдан дори*) бемалол келаверади. Юқорида келтирилган қолип ($/_nSSG^q/O_{ad}\sim O_{obl}/$) учун бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

Синтактик қурилма қолипларининг актантилари ўрнини оладиган бирликларнинг кўринишлари алоҳида сўз ёки сўз бирикмаси билан чекланмайди. Бу мавқеда фраземалар ҳам, Ҳ.Усмонова ўз докторлик диссертациясида ҳар томонлама очиб берганидек¹, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи марказида турган кенгайган бирикмалар ҳам, ҳатто, мустақил қурилмалар сифатида шакллантирилган гаплар ҳам бемалол кела олади² ва ўнлаб ички бўғинчалар (алоҳида-алоҳида синтактик қурилмалар) дан иборат бутун бошли мураккабланишган қўшма гап оддийгина икки-уч таркибий қисмли қурилиш қолипининг воқеланиши бўлиши мумкин. Чунончи, нутқ феъллари семантик гуруҳига кириб, А.А.Цалкаламанидзе таснифи бўйича ўтимли феълларнинг унумсиз ҳаракат (нерезультативное действие) ССГига кирадиган ва зарурий валентликлари асосида $/V-S-O_{rec}-O_{obl}/$ каби соддагина синтактик қурилмани берадиган маълум қилмоқ феъллига мисоллар:

а) Анвара (S) хабарни (O_{rec}) ҳаммага (O_{obl}) маълум қилди (V).

б) Буни эшитган Анвара (S) бу янги хабарни (O_{rec}) синфдошу ўртоқларига (O_{obl}) маълум қилди (V).

в) Буни эшитган Анвара (S) янги хабарни – Раҳимжоннинг ўқишни тугатиб, ўз она қишлоғига қайтиб келганлигини (O_{rec}) – синфдошу ўртоқларига (O_{obl}) маълум қилди (V).

г) Анвара (S) Раҳимжоннинг ўқишни тугатиб, ўз она қишлоғига қайтиб келганлигини (O_{rec}) синфдошу ўртоқларига (O_{obl}) маълум қилди (V).

д) Анвара (S): «Раҳимжон ўқишни тугатиб, ўз она қишлоғига қайтиб келди (O_{rec})», – деб, синфдошу ўртоқларига (O_{obl}) маълум қилди (V).

е) Анвара (S) синфдошу ўртоқларига (O_{obl}) маълум қилди (V): «Раҳимжон ўқишни тугатиб, ўз она қишлоғига қайтиб келди (O_{rec})».

¹ Усмонова Ҳ. Ўзбек тилидаги гап бўлақларининг позицияси тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2005. –Б.166.

² Абдуллаева Д. Семантик-синтактик валентлик ва ўзга гапли қурилмалар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд: СамДУ, 2002. –22 б.

Юқорида, асосан, битта актант (O_{rec})га тегишли ифодаланиш кўринишларининг бир қисмигагина диққат қаратилган. Ваҳоланки, ҳар бир актантнинг ифодаланиши ҳам шундай ва булардан ҳам мураккаброқ, ранг-баранглироқ кўринишларга эга бўла олади. Генетика билан алоқадор бир неча метрга соя солиб турган улкан ёнғоқ дарахтининг қобилят ва имконияти радиуси 0,5 смгина бўлган ёнғоқ донасида мужассамлашганини, қулай шароит ва парвариш мана шу қобилят ва имкониятни юзага чиқарганини, вояга, шундай ҳосилдорликка етказганлигини эслатади. Лисоний тизим ҳам худди шундай. Лисоний тизимнинг соддалигини, тежамкорлигини ва қудратини намойиш этишда унинг ўз бирликларида – хоҳ лексема, морфема ёки позиция бўлсин – яширин имконият сифатида қараладиган, тилга субстанциал ёндашувда тадқиқотчи диққат марказида турадиган, у очиши ва тавсифлаши керак бўлган, фанимизда тадқиқи валентлик тушунчаси билан бошланган бу яширин кучдан ишончлироқ далил бўлмаса керак.

ХУЛОСА

Тил қурилиши талқинига субстанциаллик фалсафий-методологик тамойили билан ёндашиш, лексик-семантик ва грамматик валентликларни фарқлаш ҳамда синтактик қурилманинг онтологик асоси масалаларининг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Борлиқ ҳодисалари тавсифи ва таҳлилига субстанциал ёндашиш илдизлари жуда узоқ даврларга бориб тақалади ва исломий тасаввуф гносеологияси (билиш назарияси)нинг зот ва тажалли (кулл ва жузв) ҳақидаги диалектик таълимоти билан генетик боғлиқдир. Бунда бевосита кузатишда берилмаган, идрокий таҳлилдагина имконият сифатида мавжуд зот (умумийлик)ни сифат ва муносабатлар мажмуи деб, унинг муайян моддий шаклда воқеланиши шу зотда мавжуд бўлган айрим сифат(лар)нинг бутунлик таркибидан узилган ҳолда юзага чиқиши сифатида қаралади. Шунинг учун тадқиқ манбаига субстанциал ёндашиш зотан шарқона, жумладан, ўзбекона илмий йўл бўлиб, мумтоз ориф ва адибларимиз ундан зот ~ тажалли (ҳақ ~ борлиқ, кулл ~ жузв, умумийлик ~ хусусийлик) диалектикаси талқинида жуда кенг фойдаланишган.

2. Шарқнинг зот ~ тажалли ҳақидаги таълимоти Ғарб фалсафасида Ибн Рушд таълимоти (абериозм) орқали кенг тарқалди, ривожлантирилди; илмий таҳлилнинг хилма-хил соҳаларида кенг қўлланилиб, юксак илмий натижалар олишга асос бўлган мукамал таълимот шаклини олди, бундай илмий таҳлилнинг 16 та асосий тамойили ишлаб чиқилди. Онгли субстанциал илмий таҳлил тадқиқотчидан бу тамойиллар уқилганлигини талаб қилади, зероки, у шу тамойиллар асосида ўз тадқиқ манбаини ўрганиш, бинобарин, тадқиқ манбаида – у қанчалик катта ёки кичикликда бўлмасин, шу 16 тамойил талаб қиладиган хусусиятларни (томонларни) излаши, топиши, уларни бутунликка бирлаштириш асосидагина тадқиқ манбаи ҳақидаги илмий тушунчани шакллантириши лозим.

3. Тадқиқот мавзусига субстанциал ёндашиш Ўзбекистон Республикаси

Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ҳар бир фанни фалсафа билан боғлаб ўрганиш лозимлиги ҳақидаги фикрлари билан асосланади. Биринчи Президентимиз конкрет фанларни фалсафа билан чамбарчас боғлаб ўрганишга ундайдиган, ёш тадқиқотчиларни шу руҳда тарбиялашга хизмат қиладиган «фалсафа бўйича талаб даражасидаги дарсликлар... яратилмаётганлигини»¹ афсус билан алоҳида қайд этганлар. Ишда субстанциал ёндашув билан боғлиқ бўлимнинг мавжудлиги тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқот жараёнида ўз таҳлил асосларининг фаласафий томонларини уқиш ва «оқ-қорани онглилик билан ажратиш»га қаратилган муурожаатлари билан асосланади.

4. Тил қурилиши ва бирликлари хусусиятлари тавсифига субстанциал ёндашиш куртакларини тилшуносликда XX аср бошларида кенг тарқалган лексик-семантик валентлик назариясида кўриш мумкин. Бунда ҳам лексема (сўз) ва унинг маъноси нутқда воқеланиш, бошқа сўзлар билан бирика олиш қобилиятини (имкониятини) ўзида мужассамлаштирган умумийлик қаралади ва бу қобилият (имконият) нутқда муайян шаклда (хусусийлик сифатида) воқеланади. Лекин ҳеч бир муайян воқеланишда умумийлик ўз имкониятларини тўла-тўқис воқелантира олмайди, яъни ҳеч қачон тажалли (хусусийлик, воқелик...) лар йиғиндиси зот (умумийлик, имконият...) га тенг бўлолмайди. Валентлик назариясини субстанциал таҳлил билан яқинлаштирадиган томон шу билан узвий боғлиқ.

5. Тилшунослигимизда XX асрдан кейин кенг амалда бўлган валентлик назарияси субстанциаллик нуқтаи назаридан тугал ва мукамал эмас, чунки у, асосан, лексик-семантик валентлик, яъни лексема (сўз) ва унинг маъноси доираси билан чекланган. Шунинг учун структурал-функционал таҳлил усулларини онглилик ва изчиллик асосида диалектик тамойил билан тўлдириш ҳамда бундай ёндашишнинг тил қурилиши талқинига амалий татбиқи масалаларини ўз олдида вазифа қилиб қўйган субстанциал тилшунослик Европа тилшунослигида ишлаб чиқилган валентлик назариясининг қатор чигал масалалари, хусусан, семантик ва синтактик, лисоний ва нутқий валентликларни чегаралаш муаммолари ечимини берибгина қолмай, уни қатор янги тушунчалар билан тўлдирди.

6. XX аср тилшунослигида ривожланган икки хил таҳлил усули – валентлик назарияси асосида ва тил лексикасини система сифатида ўрганиш усуллари – заминда қўлга киритилган натижалар ўзаро уйғун эмас ва бир-бирини рад этади. Маълум бир маъновий тўпламда турли валентлик хусусиятли сўзлар ва, аксинча, бир хил валентлик қобилиятли сўзлар ҳар хил маъновий гуруҳлардан ўрин олади. Субстанциал тилшунослик луғавий маъновий гуруҳлардан таркибан анча катта бўлган *семантик-синтактик гуруҳ (синф)* (ССГ) тушунчасини киритиб, бу зиддиятни бартараф этди. ССГга ҳам маъновий, ҳам валентлик хусусиятлари билан умумийликка эга бўлган лексик бирликлар бирлашади ва бундай ССГнинг ҳар бир бирлиги нутқий воқеланишда айни бир турдаги синтактик қурилмага асос бўла олади. Шунинг учун ССГлар синтактик қурилма таркиби ва мавқеини белгилашда, келажакда

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 205.

моделлаштириш, машина (автоматик) таржима, нутқни қайта бунёд этиш жараёнларида қўл келадиган тўпламлардир.

7. Фейл сўз туркуми доирасида ССГлар А.А.Цалкаламанидзе томонидан қисман тавсифланган бўлса, ушбу ишда исм туркумларига оид ССГларни ажратиш тажрибаси амалга оширилди. Биз ҳозирча бу сўз туркумлари ичида $nSSG^h, nSSG^k, nSSG^m, nSSG^e, nSSG^q, aSSG^a, aSSG^t, nuSSG, adSSG^{talab}, adSSG^{ma}$ каби ССГларни ажратиш ва улар туза оладиган синтактик қурилмаларнинг таркибий моделларини беришга муваффақ бўлдик. Лекин бу масала ҳали қатор изланишлар силсиласи учун тадқиқ манбаи бўлмоғи лозим – моҳиятан масала тадқиқига илк қадам ташланмоқда.

8. Субстанциал тилшунослик валентлик назариясини грамматик шакл валентлиги ва синтактик мавқе валентлиги илмий тушунчалари билан тўлдирди. Ушбу ишда олиб борилган кузатишлар асосида ўзбек тили грамматик (морфологик) шакллари асос лексеманинг семантик-синтактик қобилиятига таъсири жиҳатидан: а) фақат кенгайтирувчи; б) фақат торайтирувчи; в) ҳам кенгайтирувчи, ҳам торайтирувчи (актантни сифат жиҳатдан ўзгартирувчи); г) ҳам торайтирувчи, ҳам сифат жиҳатидан ўзгартирувчиларга ажратиш мумкин.

9. Луғавий асос семантик-синтактик валентлигига грамматик шакллар *таъсир кучи* асосида уларнинг даражаланиш қатори келтирилди. Даражаланиш қаторида таъсир кучининг камай бориш белгисига кўра шакллар *нисбат ~ шахс/сон ~ эғалик ~ келишик ~ феълнинг функционал шакллари ~ сон ~ субъектив баҳо шакллари ~ сифат даражалари ~ замон ~ майл ~ ҳаракат тарзи* тартибда тизилишини кўрсатди.

10. Тил бирликлари муносабатида ғоятда муҳим ўрин тутадиган грамматик валентлик нафақат бу муносабатлардаги лексемалар валентлигига, айти пайтда, улар ифодаладиган маъноларнинг стилистик товланишларига ҳам таъсир кўрсатади.

11. /WF/ маълум бир синтактик қурилма марказида турган ва унинг таркибини белгиладиган лисоний бирлик рамзидир. Содда гапнинг минимал қолипи сифатида фанимизда оммалашган /WPm/ мана шу /WF/ умумийлигининг бир кўринишидир. /WF/ рамзи билан сўзшакл атамаси ўзаро диалектик умумийлик – хусусийлик муносабатларида туради.

12. Валентлик назарияси ССГ ва грамматик валентлик тушунчалари билан тўлдирилгандан кейингина ўз олдига қўйган ҳамда моделлаштиришда катта илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган мақсадни – сўз маълум бир шаклда нутқда воқеланганда қандай турдаги синтактик қурилмани бера олишини башорат қилиш вазифасини бажара олади ва келажак автоматик таҳлилларда катта фойда келтириши мумкин. Бунда муайян /WF/ (сўзшакл)да лексик-семантик ва грамматик валентликлар ўзаро тизимий муносабатларга киришади, /W/нинг семантик валентлиги /F/ валентлиги таъсирида маълум даражада ўзгаради. /WF/ таркибидаги /W/нинг қайси ССГга мансублиги нутқий синтактик қурилманинг таркибини белгиласа, /WF/таркибидаги /F/ бу қурилманинг гапдаги мавқеини белгилайди.

13. Тил бирликларида валентлик қобилиятининг мавжудлиги, нутқий

вокеланишда ўз табиатига мос синтактик қурилмалар ҳосил қилиш имконияти тилни тайёрлик, умумийлик сифатида идрок этишимизга ундайди.

14. Диссертацияда ўрганилган лексемага тегишли семантик-синтактик гуруҳ моделлари бугунги кунда замонавий компьютер лингвистик базаси сифатида хизмат қиладиган валентлик луғатларига методологик асос бўла олади.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

WPm/ – содда гапнинг минимал қурилиш қолипи	adSSG ^{talab} – «/саноқ сон + талаб = содда ёки таркибли равиш/ сўз яшаш қолипи ҳосилалари» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз/
/Pm/ – кесимлик кўрсаткичлари	adSSG ^{ma} – <i>-ма</i> боғловчили такрор отлардан ҳосил бўлган равиш яшаш қолипи ҳосилалари семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз
/WF/ – сўзшаклнинг умумий лисоний қолипи	Мазкур рамзларнинг олдидаги кичик индекс сўз туркуми (n – от, а – сифат, nu – сон, ad – равиш), орқасидаги кичик индекс ССГнинг тури (чунончи, h – ҳужжатлар) га ишора қилади.
/W/ – атов бирлиги	O _{ad} адресант – бировга бирор нарсани йўлловчи объект
/F/ – форма сўзидан олинган бўлиб, маълум бир грамматик шаклни қабул қилган бирликнинг умумий рамзи	O _{adr} – адресат – бирор нарса йўлланадиган объект
/F ^s / – шаклнинг синтактик рамзи	O _k – сабаб-мақсад асос маъноли объект
/F ⁿ / – шаклнинг носинтактик рамзи	O _{ob} – воситасиз тўлдирувчи
ССГ – семантик-синтактик гуруҳ	O _{obl} – воситали тўлдирувчи
_n SSG ^h – «ҳужжатлар» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз	Sa – асос қурилмадаги субъект
_n SSG ^k – «шахсни касб-корига кўра тавсифловчи отлар» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз	Oa – асос қурилмадаги объект
_n SSG ^m – «модда-маъдан отлари» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз	Ox ^{III} – ҳосила қурилмадаги воситали тўлдирувчи
_n SSG ^e – «маълум нарсага эгалик/эгасизлик» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз	Ta ^C – асос қурилмадаги воситасиз тўлдирувчи
_n SSG ^q – «қурул номлари» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз	Э – фоил
_a SSG ^a – «аслий сифат» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз	Эҳ – ҳосила қурилмадаги эга
_a SSG ^t – «нисбий сифат» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз	Tx ^C – ҳосила қурилмадаги воситасиз тўлдирувчи
_{nu} SSG – «сон туркуми» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз	S _{кx} – ҳосила қурилмадаги каузатив субъект
_a SSG ^r – «руҳий ҳолат ифодаловчи» семантик-синтактик гуруҳига мансуб сўз	УГМ – умумий грамматик маъно

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Fil.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБУЗАЛОВА МЕХРИНИСО КАДИРОВНА

**СУБСТАНЦИАЛЬНАЯ МОРФОЛОГИЯ, ВАЛЕНТНОСТЬ И
СИНТАКСИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА**

10.00.01 – Узбекский язык

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

Самарканд – 2018

Тема диссертации доктора наук (Doctor of Science) зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан от В2017.2.DSc/Fi55.

Диссертация выполнена при Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице совета (www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный консультант:

Сайфуллаева Раъно Рауфовна
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Санакулов Усмон Санакулович
доктор филологических наук, профессор

Худойбергана Дурдона Сиддиковна
доктор филологических наук

Муродова Нигора Кулиевна
доктор филологических наук

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
университет узбекского языка и
литературы**

Защита диссертации состоится ____ _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.Fil.02.03 по присуждению учёных степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, город Самарканд, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz головное здание Самаркандского государственного университета, 1-этаж, актовый зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован под № ____). Адрес: 140104, город Самарканд, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан ____ _____ 2018 года.
(протокол рассылки № _____ от ____ _____ 2018 года)

Мухиддинов М.К.

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор филол.наук., профессор

Пардаев А.Б.

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор филол.наук

Салохий Д.И.

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, доктор филол.наук., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность диссертационной темы. В мировой лингвистике валентность языковых единиц (лексическую валентность, семантическую валентность, лексико-семантическую валентность, семантико-синтаксическую валентность) начали изучать в первой четверти XX века. В те годы валентность исследовалась, в основном, с точки зрения семантических особенностей лексики и способностью одной лексемы в потоке речи связываться с другими. Однако, наряду с лексической и грамматической валентностью при субстанциальном подходе к языковым явлениям, различаются понятия валентности грамматических (морфологических) форм, и это является актуальной проблемой в языкознании, которая ждёт своего решения. В теории валентности можно увидеть отражение методологии подхода к языку в виде субстанциальных, т.е. комплекса определённых возможностей и скрытой потенции. Такое методологическое (генетико-онтологическое) сближение теории валентности с субстанциальным подходом до сих пор не явилось объектом специального исследования, что обуславливает изучение данной проблемы.

В мировой лингвистике выделение семантико-синтаксических групп (ССГ), в которых органически сочетаются семантические и синтаксические особенности, изучение вопросов их влияния на структуру синтаксической конструкции привлекают внимание лингвистов. Взгляд на грамматическую форму и на форму слова, что непосредственно связано с вышесказанным, в качестве совокупности возможностей, а также вопрос репрезентации данных возможностей в синтаксисе, раскрытие отношения субстанциальной морфологии с валентностью предложения приобретают важную значимость. Заслуживают внимания исследования по таким приоритетным направлениям, как выделение внутри частей речи семантико-синтаксических групп и представление структурных моделей синтаксических конструкций, которых они способны образовать, на основе изучения грамматической валентности создание общей лингвистической модели словоформы, которая представляет собой взаимное гармоничное проявление лексико-грамматических и грамматических валентностей.

В процессе осуществления широкомасштабных реформ в нашей стране язык и духовность становится проблемой, выдвинутой до уровня государственной политики. В настоящее время, когда устанавливаются взаимовыгодные отношения со странами мира в глобальных сферах, изучение языковых явлений, отражающих психологию каждой нации, на субстанциальной основе, является важным фактором в повышении знаний, связанных с духовными ценностями данного народа. Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев на встрече с ведущими представителями интеллигенции, учёными и академиками страны 30 декабря 2016 года отметил, что время требует поднятия науки на новый уровень наряду со всеми другими сферами, ибо без неё представляется сложным решение актуальных проблем,

возникших перед обществом¹, что в свою очередь, создаёт возможность всестороннего анализа отношений между валентностью и субстанциальностью, а также формирования научного понятия грамматической валентности. Поощрение научно-исследовательских работ и совершенствование инновационной деятельности, predeterminedенных в качестве приоритетных направлений государственной программы Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан², также предполагает ведение более глубоких и новейших изысканий в лингвистике.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, определенных в Указах № УП-4797 Президента Республики Узбекистан «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в Постановлениях № ПП-2789 «О мерах дальнейшего совершенствования организации деятельности, научно-исследовательских работ, управления и финансирования Академии Наук» от 17 февраля 2017 года, ПП-2909 «О мерах дальнейшего развития системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в широкомасштабных реформах, осуществляемых в стране» от 5 июня 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах.

Соответствие диссертационного исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и осуществления системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³.

Научные исследования, направленные на изучение закономерностей соединения слов, вопросов методики описания валентности, семантической и синтаксической, языковой и речевой валентности ведутся в таких научных центрах и высших учебных заведениях мира, как University of Montpellier (Франция), Princeton University (США), Bibliographisches Institut (Германия), Oxford University Language Centre (Англия), Институт лингвистических исследований (РАН), Московская Семантическая школа имени И.А.Мельчука и Ю.Д.Апресяна, Лаборатория компьютерной лингвистики (РФ), Bakı Dövlət universiteti (Озарбайжон), а также Ташкентский государственный университет

¹ Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили // Халқ сўзи, 2017 йил, январь.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28 (6722).

³Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации осуществлен на основе источников www.universityofcalifornia.edu, www.harvard.edu, www.indiana.edu, www.uni-bonn.de, www.krugosvet.ru.valentnost, www.scicenter.sintagmatika, www.philol.msu.ru/, <https://iling.spb.ru/grammatikon>, www.princeton.edu, <https://bigenc.ru/linguistics/text/>, www.navoiy-uni.uz и др.

узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН РУз (Узбекистан).

В мировой лингвистике на основе исследований, направленных на изучение особенностей валентности в языке, разработку теоретических основ понятия валентности, её типов, были получены следующие результаты: зарубежом закономерности языковой валентности широко были изучены, в частности, в рамках слов, принадлежащих глаголу как части речи, всесторонне были изучены немецкими учёными-языковедами в Германии (Bibliographisches Institut (Германия); французским лингвистом Л.Теньером были разработаны теоретические основы понятия валентности (University of Montpellier, Франция); были созданы WORDNETы, собирающие электронные сведения относительно каждой лексемы (Princeton University, Harvard University (США); в 40-ые годы XX века в советское языкознание С.Д.Кацнельсон ввёл понятие валентности и изложил собственные воззрения об особенностях синтаксической валентности (Институт лингвистических исследований (РАН)); И.А.Мельчук и Ю.Д.Апресян создали комбинаторно-комментирующий словарь, в котором подробно описываются семантические особенности слов (Московская Семантическая школа), изучены особенности присоединения к единому целому значения отдельных слов, составляющих фразу (Лаборатория компьютерной лингвистики (РФ); А.А.Цалкаламанидзе ввёл в тюркологию понятие семантико-синтаксической группы (ССГ) (Институт лингвистических исследований (АН РФ); был проведен ряд исследований, посвящённых классификации валентностей глагола и его словарно-смысловых групп (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы, Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН РУз).

В настоящее время в мировой лингвистике ведутся исследования по изучению языковых особенностей валентности, в частности, по следующим приоритетным направлениям: определение валентностей, касающихся морфемы, словообразования и предложений; изучение валентности именных лексем; раскрытие поля сочетания различных сем одной лексемы; характеристика значимости лексико-семантической валентности в предопределении построения предложения; дополнение теории валентности научным понятием грамматической валентности (валентность морфологической формы); моделирование валентных связей в неразрывной связи с развитием компьютерной лингвистики (в частности, генеративной лингвистики, потребностей автоматической переработки и воспроизведения), автоматического создания речевых продукций и их воспроизведения в речи.

Степень изученности проблемы. В специальном исследовании законов языковой валентности на примере валентности глагола велика заслуга таких узбекских лингвистов, как И.К.Кучкартаев¹, А.А.Цалкаламанидзе²,

¹ Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – Ташкент: Ўқитувчи, 1977. – 168 с.

² Цалкаламанидзе А.А. Семантико-синтаксические группы глаголов в узбекском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1987. – 129 с.

Р.Расулов¹, В.А.Каримжонова², У.Шарипова³, С.Х.Мухамедова⁴, М.М.Миртожиев⁵; таких русских учёных, как С.Д. Кацнельсон⁶, С.М.Кибардина⁷, М.Д.Степанова⁸, Н.И. Филичева⁹, а также зарубежных исследователей, таких, как Г.Хельбиг, А.Бальвег-Шрамм, Г.Шумахер, Л.Тенъер¹⁰ и др. В частности, зарубежом исследованы такие разновидности валентности, как валентность частей речи, семантическая и синтаксическая валентность, а также в этой сфере было создано множество словарей по сочетанию слов¹¹. А в тюркологии С.Н.Иванов¹² раскрыл сущность причастия на основе принципов теории валентности.

В узбекском языкознании И.К.Кучкартоев, изучив глаголы речи, А.А.Цалкаламанидзе, исследовав семантико-синтаксические группы в рамках глагола как части речи, Р.Расулов, рассмотрев глаголы состояния и их облигаторную валентность, В.А.Каримжонова – семантику сочетаний местного падежа, У.Шарипова – смысловую валентность глаголов работы, С.Х.Мухамедова – валентность глаголов действия, М. Миртожиев – глагольную валентность, сформировали теорию валентности. Однако научное понятие валентности грамматической формы как разновидности валентности до сих пор не явилось источником специального исследования.

Узбекское формально-функциональное языкознание,¹³ сформированное как самостоятельное направление в отечественном языкознании, представило монографическую интерпретацию самой малой конструктивной модели предложения¹⁴ и его расширения, отношения обстоятельства и дополнения в

¹ Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989. – 142 б.

² Каримжонова В.А. Ўзбек тилида ўрин келишкли бирикмалар семантикаси: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1994. – 24 б.

³ Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент 1996. – 23 б.

⁴ Мухамедова С.Х. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг маъно валентлик хусусиятлари: Дисс. д-ра филол. наук – Тошкент, 2007. – 402 б.

⁵ Миртожиев М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. – Тошкент: Университет, 2007. – 64 б.

⁶ Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности // Вопросы языкознания. – Москва, 1987. – №3. – С. 20-32; Кацнельсон С.Д. О грамматической категории // Вестник ЛГУ. Серия истории языка и литературы. – Л., 1948. – №2. – С. 114-134.

⁷ Кибардина С.М. Категории субъекта и объекта и теории валентности // Категория субъекта и объекта в языках различных типов. – Л.: Наука, 1972. – С.23-44.

⁸ Степанова М.Д. Теория валентности и валентный анализ (на материале современного немецкого языка). – Москва: Высшая школа, 1973. – 215 с.

⁹ Филичева Н.И. Понятие синтаксической валентности в работах зарубежных языковедов // ВЯ. – 1967. – №2. – С. 119-120.

¹⁰ Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. – Москва: Высшая школа, 1978. – 257 с.; Бальвег-Шрамм А., Шумахер Г. Словарь глагольных валентностей на семантической основе // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XIV. Проблемы и методы лексикографии. – Москва: Прогресс, 1983. – С. 201-226; Тенъер Л. Основы структурного синтаксиса. – Москва: Прогресс, 1988. – 656 с.

¹¹ Helbig G., Schenkel W. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutscher Verben. VEB Bibliographisches Institut. – Leipzig, 1969; Sommerfeld Karl-Ernst, Schreiber Herbert. Wörterbuch zur Valenz und Distribution der Substantive. WEB Bibliographisches Institut Leipzig, 1980. – 432 p.

¹² Иванов С.Н. Очерки по синтаксису узбекского языка. – Л.: ЛГУ, 1959. – 152 с.; Иванов С.Н. Родословное древо тюрков Абул-Гази Хана. Грамматический очерк (имя и глагол). – Ташкент: Фан, 1969. – 204 с.

¹³ Курбонова М. Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талкини: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Тошкент, 2001. – 51 б.

¹⁴ Абузалова М. Ўзбек тилида содда гапнинг энг кичик қурилиш қолипи ва унинг нутқда воқеланиши:

построении простого предложения¹, природы однородного сказуемого², вопросов, связанных с построением сложного предложения. Но до сих пор недостаточно изучена и специально не исследована зарубежными и отечественными учёными субстанциальная морфология как представление комплекса возможностей грамматической формы и формы слова, а также проблема воспроизведения возможностей в синтаксисе, связи субстанциального подхода с теорией валентности, связи синтаксических конструкций с морфологической формой. В ходе выполнения диссертации были приняты во внимание исследования как вышеупомянутых и других отечественных, так и зарубежных лингвистов, а также изложены научные мнения к данным исследованиям.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование проводилось в качестве составной части плана научно-исследовательских работ кафедры узбекского языкознания Бухарского государственного университета по теме «Вопросы субстанциального исследования узбекского языка», а также в рамках фундаментального проекта ОТ-Ф8-057 при Андижанском государственном университете по теме «Формирование методологических основ, методов и принципов системного исследования узбекского языка».

Целью исследования является раскрыть и охарактеризовать значимость валентностных возможностей словоформы при определении структуры и статуса синтаксической конструкции посредством анализа взаимодействия валентностей лексико-семантической и грамматической формы в структуре словоформы.

Осуществление поставленной цели связано с решением следующих **задач исследования:**

охарактеризовать субстанциальный философско-методологический принцип и аргументировать субстанциальный подход в качестве основы диалектического подхода;

пояснить принципы философского изучения действительности на языковых примерах;

